Email:

conference@houghtonstreetreview.com

Website:

www.houghtonstreetreview.com/index.php/conference

© 2026 International Online Conference on Multidisciplinary Academic Research. All Rights Reserved.

Editor-in-Chief:

Dr. Ewelum Johnson Nnadi

Managing Editors:

1.Harold Jan R. Terano

2.Dr. Mandakini Singla

3.Massoud Kaykhaii







ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИДА 90 ЁШ ВА УНДАН КАТТА УЗОҚ УМР КЎРУВЧИЛАРДА ПОЛИПРАГМАЗИЯНИ ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахматова Дилбар Бахриддиновна
Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти
e-mail: dilbar_raxmatova09@bsmi.uz
https://orcid.org/0000-0002-7321-3248

Аннотация: Мазкур тадқиқот Бухоро минтақасида яшовчи 90 ёш ва ундан катта, ақлий ҳамда жисмоний меҳнат билан шуғулланган узоқ умр кўрувчиларда юрак ишемик касаллиги фонидаги полипрагмазиянинг тарқалиши ва хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Тадқиқотда кўп дори воситаларини бир вақтда қабул қилишнинг жинс, ёш ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ жиҳатлари, шунингдек, аёллар ва эркакларда дори воситаларига боғлиқ ножўя таъсирлар хавфи баҳоланади. Олинган натижалар узоқ умр кўрувчиларда фармакотерапия хавфсизлигини ошириш, ортиқча дори юкини камайтириш ва индивидуал даволаш ёндашувларини такомиллаштириш учун муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: узоқ умр кўрувчилар, юрак ишемик касаллиги, полипрагмазия, фармакотерапия, ножўя таъсирлар, гендер хусусиятлар, ақлий меҳнат, жисмоний меҳнат.

Кириш: Аҳоли умр кўриш давомийлигининг ортиши билан 90 ёш ва ундан катта бўлган узоқ умр кўрувчилар саломатлигини асраш замонавий тиббиётнинг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда. Бу ёшда юрак ишемик касаллиги ва бошқа сурункали касалликларнинг биргаликда учраши кўп сонли дори воситаларини қўллаш, яъни полипрагмазия эҳтимолини оширади. Полипрагмазия эса даволаш самарадорлиги билан бир қаторда, дори воситалари ўзаро таъсири ва ножўя таъсирлар хавфини ҳам юзага келтириши мумкин. Бухоро минтақасида яшовчи 90 ёш ва ундан катта, ақлий ва жисмоний меҳнат билан шуғулланган узоқ умр кўрувчиларда юрак ишемик касаллиги фонида полипрагмазиянинг тарқалиши, унинг хусусиятлари ҳамда аёллар ва эркакларда ножўя таъсирлар хавфини баҳолаш мазкур муаммонинг клиник ва ижтимоий аҳамиятини чуқурроқ очиб беради. Ушбу тадқиқот натижалари узоқ умр кўрувчиларда оқилона ва хавфсиз фармакотерапияни шакллантиришга хизмат қилади.

Мақсад: юрак ишемик касаллигида 90 ёш ва ундан катта узоқ умр кўрувчиларда полипрагмазияни гендер хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Текшириш усуллари ва материаллари: Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон ҳудудига қарашли Бухоро вилоятида яшовчи 90 ёш ва ундан катта бўлган уюшмаган популяция гуруҳидан иборат 824 нафар шахснинг репрезентатив танланмаси олинди (517 нафар аёл узоқ умр кўрувчилар ва 307 нафар эркак узоқ умр кўрувчилар) ва тахлил қилинди.

Email:

conference@houghtonstreetreview.com

Website:

www.houghtonstreetreview.com/index.php/conference

© 2026 International Online Conference on Multidisciplinary Academic Research. All Rights Reserved.

Editor-in-Chief:

Dr. Ewelum Johnson Nnadi

Managing Editors:

1.Harold Jan R. Terano

2.Dr. Mandakini Singla

3.Massoud Kaykhaii







Олинган натижалар: ЮИК га чалинган ақлий ва жисмоний меҳнат билан шуғулланган узоқ умр кўрувчилар популяциясида кичик полипрагмазиянинг аниқланиш частотаси мос равишда 8,0% ва 92,0% ни ташкил этди [p<0,05; RR = 0,72; 95% CI = 0,49 – 1,05; χ^2 =2,15; r^{++}=0,069]. Ушбу узоқ умр кўрувчи беморлар гуруҳида катта полипрагмазиянинг тарқалиш частотаси мос равишда 14,1% ва 85,9% ни ташкил этди [p<0,05; RR = 1,36; 95% CI = 0,93 –1,99; χ^2=2,48; r^{++}=0,074]. Ҳаддан ташқари полипрагмазия кузатилмади. Умуман олганда, ЮИК билан касалланган ақлий меҳнат ва жисмоний меҳнат билан шуғулланган узоқ умр кўрувчилар гуруҳларида, шунингдек умумий популяцияда жами полипрагмазия мос равишда 10,8%, 89,2% ва 100,0% частота билан аниқланди. Ушбу маълумотлар шуни тахмин қилиш имконини беради ки, ақлий ва жисмоний меҳнат билан шуғулланган узоқ умр кўрувчиларда полипрагмазия мавжуд бўлганда, ЮИК да фармакотерапия самарадорлиги 10% дан 89% гача пасайиши, амалиётда соғлиқни сақлаш харажатлари эса сезиларли даражада ортиши мумкин. Бундай ҳолат ЮИК билан касалланган узоқ умр кўрувчи беморларга даволаш-профилактик ёрдами кўрсатишнинг ҳам шифохонагача бўлган, ҳам стационар босқичларида кузатилиши мумкин.

Хулоса: полипрагмазия мавжуд бўлган ҳолларда ЮИК билан касалланган узоқ умр кўрувчиларда ДНР ривожланиш хавфи аёл узоқ умр кўрувчиларда 66% гача, эркак узоқ умр кўрувчиларда эса 40,5% гача ошиши ҳақида хулоса қилиш мумкин. GNTm шкаласи нафақат ёш ва ўрта ёшдаги шахсларда, шунингдек кекса ёшдагиларда, балки узоқ умр кўрувчиларда ҳам ДНР ривожланишини башорат қилиш учун яхши спецификликка эга эканлиги аниқланди. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, мазкур шкала ЮИК билан касалланган узоқ умр кўрувчи беморлар популяциясида ДНР ривожланишининг юқори хавфини эрта аниқлаш ва башорат қилиш учун самарали восита ҳисобланади. Шу муносабат билан уни ЮИК да фармаконазорат тизимини оптималлаштириш мақсадида, шунингдек геронтологик беморларда ҳам қўллаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Муминов С.Ж., Тулабаева Г.М., Талипова Ю.Ш., Абдуллаева Д.Р. Отличительные особенности течение COVID – 19 пожилых людей // Кардиология Узбекистана. – 2024. - №1 (3). – С. 196-201.
2. Пащенко Е.В., Чесникова А.И., Кудинов В.И., Терентьев В.П. Клиническое значение определения уровня мозгового натрийуретического пептида для диагностики сердечной недостаточности у коморбидных пациентов с ишемической болезнью сердца и тиреотоксикозом // Архив внутренней медицины. 2017. №5 (37).
3. Поляков В.Я., Старичкова А.А., Николаев Ю.А., Сипполайнен О.В., Севостьянова Е.В. Особенности ассоциации ультразвуковых, гемодинамических и биохимических показателей атеросклероза сонных и коронарных артерий у больных ишемической болезнью сердца // Сибирский научный медицинский журнал. 2021. №5.
4. Ризаев Ж.А., Киличев А.А., Олимжонова Ф.Ж. Анализ смертности и инвалидности у больных ишемической болезнью сердца // Проблемы биологии и медицины – Самарканд.- 2023. - №4(146). – С. 100-106.

Email:

conference@houghtonstreetreview.com

Website:

www.houghtonstreetreview.com/index.php/conference

© 2026 International Online Conference on Multidisciplinary Academic Research. All Rights Reserved.

Editor-in-Chief:

Dr. Ewelum Johnson Nnadi

Managing Editors:

1.Harold Jan R. Terano

2.Dr. Mandakini Singla

3.Massoud Kaykhaii







5. Суяров Ш.М. Факторы риска развития ишемической болезни сердце в Узбекистане: Современное состояние и пути решение // Eurasian Journal of Medical and Sciences. – Ташкент. – 2025. – Том 3. - №25. – С. 98-102.
6. Ташкенбаева Э.Н., Пулатова П.Х. Ишемическая болезнь среди и храническая болезнь почек: распространенность и факторы риска// Журнал кардиореспираторных исследований. – Ташкент. – 2024. - №2. – С. 45-52.
7. Тулабаева Г.М. Многофакторная профилактика ишемической болезни сердце в условиях первичного звена здравоохранения // Автореферат дисс… доктора мед. наук. – Ташкент. – 2015. – С. 24.
8. Убайдова Д.С. Особенности течения инфаркта миокарда у женщин с эндокринными нарушениями // Проблемы биологии и медицины. – Самарканд. – 2022. - №2. – С. 126-129.
9. Goldberg A.C. // Prevention and Treatment of Coronary Artery Disease in Women, the Elderly, and Children // coronary artery disease. 1993;4(7):577–579 p.
10. Marselin A., Amalia L., Dinarti L.K. The interventions to improve medication adherence in coronary heart disease patient: A systematic review. 2023.